



НАРЗУЛЛА ЖҰРАЕВ

АГАР ОГОХ СЕН...

天-96

АГАР ОГОХ СЕН...

ПОРТРЕТГА
ЧИЗГИЛАР
СИЁСИЙ ЭССЕ

Қайта ишланган, тўлдирилган
иккинчи нотири

Бух. ТМД 9 ЛН
БИБЛИОТЕКА

158

42224

Тошкент
«Ёзувчи» нашриёти

Масъул муҳаррир:

Тарих фанлари доктори, профессор
КАРИМ НОРМАТОВ

Жўраев Н.

Агар огоҳ сен... Портретга чизгилар. Сиёсий эссе / Масъул муҳаррир: К. Норматов. — 2-нашри, қайта ишланган, тўлдирилган. — Т.: «Ёзувчи», 1998—272 б.

ББК 66.3(5У)+65.9(5У)

Журналист ва сиёсатшунос олим Нарзулла Жўраевнинг ушбу асари — ҳозирги замонни ҳеч иккиланмасдан Ўзбекистон ва ўзбеклар ҳаётидаги учинчи Ренессанс даври бошланиши, деб баҳолайди. Асарда Ислом Каримов — мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси эканлиги муфассал ифода қилинади, унинг сиёсати халқ ичига кириб бораётганлиги чуқур таҳлилий жараёнларда берилади.

Китоб батанпарварлик ва Мустақиллик гоялари руҳида тарбияланаётган ёшларга, кенг оммага мўлжалланган.

Ж 4603010000—75 қатъий буюртма — 1998
М 362(04)—98

ISBN 5—8255—0553—9

© Нарзулла Жўраев, «Ёзувчи»
нашриёти, 1998 йил.

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

Истиқлол, Мустақиллик, Ислоҳот... Бу ибораларни гарчи жуда кўп ишлатсак-да, назаримда ҳали биз уларнинг бутун мазмунини, қамровини, турмушимизда тутган ўрни ва ролини етарлича англаб ололмагандек туюлади. Баъзан фикримга шубҳа билан қараб, ўзимни подон ва пошудга чиқариб қўймайманимкин, деган андишага ҳам бораман. Бироқ, ҳаёт ҳақиқати ҳамма нарсадан устунлигини кўрсатар экан. Андишам ноўринлигига, биз ҳали чиндан ҳам Истиқлол ва Ислоҳот тушунчаларининг марзини улчаллик ҳам қақиб ололмаганимизга яна бир бор ишонч ҳосил қиламан.

Дарвоқе, Истиқлол ва Ислоҳот тушунчалари бевосита Миллий уйғониш, Миллий ўзлигини англаш, шахснинг ўз қадр-қимматини тиклаши, унинг ноёб мавжудод сифатида муносиб янаши сингари ниҳоятда чуқур, ниҳоятда терең, алоҳида тайёргарлик, онг ва тафаккурда кескин бурилиш ясаши билан боғлиқ. Ана шунинг ўзи унинг нақадар оғир ва машаққатли, вақт талаб этадиган ҳодиса эканлигини кўрсатади, мазкур тушунчалар қўламини, вазинни, салмоғини белгилайди. Масаланинг яна бир томони ҳам борки, бу тушунча бевосита Истиқлол ва Ислоҳот ташаббускори, унинг раҳнамоси Ислом Каримов номи билан боғлиқ.

Ислом Каримов ҳақида бир нима дейиш жуда қийин. Чунки, унинг алоҳида таъриф-тавсифга тоқати йўқ. Гарчи ўзи айни етуқлик палласида турган бўлса ҳам, эҳтиёжи камтарлигу камсуқумлик. Лекин, бундан қатъий назар, ичингдагини айтганинг келаверади, келаверади! Хоҳласанг-хоҳламасанг, жонажон Ватанинг учун, хоксор Миллатинг учун, юз йиллар давомида энди-энди тоғдай қалди бастини ростлаб келаятган музаффар Истиқлолнинг учун ва шуларнинг барисини деб ўз ҳаётини, азиз бошини, тақдирини, бахтини тиккан ялангтўш, жумард бир инсон, узоқ-узоқ уфқларни, бир неча ўн йиллар наринини кўзлаган

доно юртбошинг учун қалбинг ифтихор туйғуларига тўлиб-тошади, тилингга нукул яхши сўзлар, масиҳий саслар куйилиб келаверади...

Таниқти журналист, сиёсатшунос олим Нарзулла Жўраевнинг «Агар огоҳ сен...» китобини мириқиб ўқидим. Бу давлат арбоби, ислохотчи академик Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг суурати ва сиёратига бағишланган сиёсий эссе. Муаллиф ўз қаҳрамонини ичдан ва ташдан обдон кузатган. Сурутгир, ёзувчи, руҳшунос (психолог), иқтисодчи, муаррих, сиёсатчи, ҳуқуқшунос, кўйингки, оддий бир инсон бўлиб қалам тебратган. Китобни муталаа қилган одам Нарзулланинг синчқошлигини эътироф этиши тайин. Бироқ, бу бутундай бошқа масала, бошқа мавзу. Мен ҳозир китобнинг зарурати ҳақида гапирмоқчиман.

Асар Президент И. Каримовни турли-туман воқеалар гирдобиди, маданий минтақалар заминиди, умумжаҳон, Туркистон ва Ўзбекистон иқлимида, сиёсий баҳслар, илмий мусоҳаба, музокара, мунозаралар даврасида, ҳар хил руҳий ҳолат ва кайфиятлар оғушида кўрсатади. Аксинча бўлиши ҳам мумкин эмас. **Агар бундай Шахсни тарихий-фалсафий жараёнлардан ажратса, у мукаммал қиёфасини кўрсатмайди.**

Дарҳақиқат, муаллиф китобда ўз қаҳрамонини тўла, мукаммал, кенг миқёсда қамраб олишга интилади. Бироқ, унинг ўзи айтганидай, ҳаёт аталмиш азим дарё оқаяпти. Жараёнлар давом этапти. Эсседа Президент тимсоли шунчаки ҳаракатсиз, сокин, суурат-образ эмас. Аксинча, у доминий ҳаракатда... Ботиний оламида, таъбир жоиз бўлса, «вулқонсимон» жараён қайнайди, фаолияти бўҳронлар, тўқнашувлар оғушида кечади.

Президент хатти-ҳаракатларини олдиндан билиб ёки «башорат» қилиб бўлмайди. Ҳеч бир қутилмаганда, одамлар олдида улар етти ухлаб тушига кирмаган, мутлақо «но-рисолавий» муаммоларни кўйини мумкин. Ўзи қанчалик беҳаловат бўлса, бошқаларни ҳам «мудрашга», «қотиб қолишга» қўймайди. Бировдан қанчалик казаланса, уни шунчалик севади! Кек сақламайди.

Индаллосини айтганда, бутунги Ислом Каримов — кечаги одам ва раҳбар эмас. Эртанги қаҳрамонимиз эса бутунги сиймо бўлмайди. Миллий мустақиллик воқелиги турғун бўлмагани сингари, унинг Бош меъмори ҳам доминий фаолиятда. Кўп ўйлайди, кўп ўқийди, кўп кузатади.

Жуда жасур фикрлар, баъзан ҳатто идрокимиз қабул қилишга тайёр бўлмаган гоё ва таклифларни айтган.

Ана шуларнинг ҳосили сифатида тўб ислохотларнинг «Ўзбек модели» деган атамаси дунёга келди. Бу атама бевосита Ислом Каримовнинг Шахс, Давлат арбоби, улкан Иқтисодчи ва Сиёсатчи сингари қирраларини уйғунлаштириб, уни яхлит, бир бутун тушунча даражасига кўтаради. Дарҳақиқат, **энди Миллий истиқлол, Миллий уйғониш ва Ислом Каримов тушунчалари бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини бойнатадиган ягона вужудга айланди.**

Яна бир гапни айтишим керак. Президент Ислом Каримов тўғрисида «шунчаки» ёзиб бўлмайди. Чунки нафақат олий давлат мансаби соҳиби сифатида, балки Шахс маъносида ҳам уни «ўртача» таърифлаш мумкин эмас. У Мустақил ўзбек диёрининг пешонаси дўнг, доврўгли, завқи, диди, рафтори, шижоати, ҳиммати сарбаланд, саховатпеша раҳнамоси. Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон — оламшумул, доврўги баланд тожу тахтининг муносиб воҳиси. Некбин, раҳмдил, жумарл ва қатъиятли Инсон. Ислом Каримов бонига афсонавий «бахт қуши» пориллаб келиб кўниб, тасодифан шоҳаншоҳ бўлиб қолган омалли юрт эгаси эмас. Балки ўз иқтидори, кўлами, салоҳиятига кўра толмас иродаси, комил эътиқоди, пок ахлоқи ва катта ҳаётий тажрибаси орқали бу даражага эришган Инсон. У чиндан ҳам курашлар гирдобиди турли қаршиликларни ва сиёсий тажовузларни матонат билан енгиб, эзгуликка интилиб яшаётган, мамлакатни ҳам эзгуликка тўлдирётган тарихий Шахс. Ҳар биримизнинг, мамлакатимиз ва келажагимизнинг тақдири ана шу воқелик билан боғлиқ экан, уни ўрганиш, ундан огоҳ бўлиш барчамиз уғун ҳам фарз, ҳам қарз.

Ғайбуллоҳ ас-САЛОМ

Инсон фақат буюк мақсадларини амалга ошириш орқалигина ўзини бошқалар учун йўлчи юздуга айлантирадиган буюк характери намоён қила олади.

ГЕГЕЛЬ.

МУҚАДДИМА

Биздан озод ва обод Ватан қолсин... Бу эзгулик деб, элим, юртим деб депсинаётган безовта юрак садоси. Ана шу биргина сўзда инсонийликнинг бутун мазмун-моҳияти, инсон қадр-қимматининг мезони мужассам. Ана шу биргина сўзда безовта қалбнинг киндик қони тўкилган тупроққа муҳаббати, она-юртига, она-халққа муносабати жамулжам.

Биз сиёсат ва давлат арбоблари хусусида гапирар эканмиз, энг аввало уларнинг қалбига, зиддиятларга тўла ички оламига кира олишимиз, уларнинг кечинмаларини ҳис қила олишимиз, қувончу изтиробларини бутун салмоғи билан англай олишимиз зарур. Дарҳақиқат, давлат арбоби нечоғли улкан лавозимда туриб, улкан мақсадлар билан яшамасин, у энг аввало Инсон эканлигини, инсоний ҳис туйғудан бегона эмаслигини, ҳамма қатори ёвузликдан азоб чекиб, эзгуликдан қувона олиши мумкинлигини унутмаслигимиз лозим.

Жамият турли бўҳронлару нўртаналарни бошидан кечираётган, кишилиқ ҳаёти турли қийинчиликлар ва мураккабликлар гирдобига тушган бир пайтда мамлакат раҳбарининг кечинмалари, унинг қалбидаги зиддиятлар анча чуқурлашади. Бироқ буни кимдир англайди, кимдир англамайди. Аксарият кўпчилиқ эса ўз кундалиқ таъвиши билан банд ҳолда бу ҳақда ўйлашга на вақт, на имкон топади.

Умуман олганда раҳбарнинг иш услуби, давлат арбобининг воқеа ва ҳодисаларга муносабати, унинг ўзигагина ҳос бўлган бошқарувчилик йўли, ғояси ва сиёсий тутуми ҳақида бизда кам ўйилади, кам ўрганилади. Бироқ, айниқса, жамият бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтаётган бир пайтда раҳбарнинг жамиятда тутган ўрни, унинг ютуқ ва камчиликлари, давлатни қай йўсинда зиддиятлар қуришвидан олиб чиқаётганлигини ўрганиш, иложи борича таҳлил этиш алоҳида аҳамиятга эга. Бизда бу ҳали унчалик русум бўлмаганлиги сабабли айрим шахслар уни шунчаки кераксиз ҳолат

деб билса, бошқа бировлар раҳбарга хуш ёқшининг йўллари-дан бири деб қарашади.

Биз қандай жамиятда яшайтимиз? Шу аҳволда қаяққа бориб қолишимиз мумкин? Эртанги кунимиз қандай бўлади? Бизнинг мақсад ва хоҳиш-иродамиз давлат сиёсатига мос келадими, йўқми? Умуман, ҳокимият халққа нечоғлиқ эши бўлмоқда?.. Бундай саволлар ҳар бир фуқаро ҳаёлидан ўтиши, уни турли-туман таъвишларга солиши табиий. Агар биз давлат раҳбарининг сиёсий йўлини қанчалик чуқур ва адолат юзасидан таҳлил этсак, юқоридаги саволларимизга шунчалик аниқроқ жавоб топамиз. Руҳимизда тозариш, янгиланиш юз беради. Эртанги кунга ишончимиз мустаҳкамланади. Ҳаётга муҳаббат туйғулари билан яшай бошлаймиз. Зотан, Ҳазрат Алишер Навоий:

Эрурсен шоҳ, агар огоҳ сен-сен,
Агар огоҳ сен-сен, шоҳ сен-сен,—

деган эдилар. Ушбу китоб ана шундай эзгулик — огоҳлик, дунёни билиш, оламни тушуниш орқали ўзлигимизни ва турмушимизни англашга ёрдам берса ажаб эмас.

“Ўзбекистон” нашриёти 1995 йили ушбу сатрлар муаллифининг “Юксалиш” номли рисоласини чоп этган эди.

Орадан бир мунча вақт ўтди. Янгиланишлар жараёни шу даражада тезлашдики, ҳар бир кунимиз йиллар мазмунига тенг бўлмоқда. Турмуш тарзимиз ҳам, онг ва тафаккуримиз ҳам тубдан ўзгармоқда. Бу бевосита Истиқлол, Ислоҳот ва ана шу икки тушунчани ўз фаолиятида мужассам этган — Ислоҳ Каримов номи билан боғлиқ. Қўлингиздаги китоб ана шу уч қадрият мажмуаси сифатида ҳамда олдинги рисоланинг қайта ишланган, тўлдирилган шаклида дунёга келди.

Дарвоқе, Мамлакатимиз Мустақилликнинг қисқа даврида асрга татигулик тарихий ғалабаларни қўлга киритди. Воқеалар ривож, ислоҳотлар шиддати, янгиланишлар одимлари шунчалик тезлашдики, бундай оммавий сафарбарликни, оммавий янгиланишларни инсоният тарихи кўрмаган.

Мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ислоҳотлар бевосита ҳар бир фуқаро қалби ва онги орқали ўтказилади. Бу бутун мамлакатнинг ҳам, ҳар бир фуқаронинг ҳам маънавий қиёфасини ўзида мужассам этади.

Ислоҳотларимизнинг ютуғи мамлакатда барқарорликни сақлаганимиз, иқтисодий ва ривожланиш йўлига олиб чиқганимиз, миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам пойдевори яратганимиз билангина эмас, балки ана шу ислоҳотлар мазмун-моҳиятининг чуқурлиги, улар ҳар бир фуқаро, ҳар бир тирик жон туйғулари, мақсадлари, орзу ва умидлари орқали ўтгани билан алоҳида мавқега эга бўлмоқда.

Ислоҳотларимизнинг маънавий кучи, қадрияти ана шу билан белгиланади. Демак, бундай ҳодиса кейинги йиллар жаҳон ислоҳотчилиқ тажрибасида фақат Ўзбекистонда юз берди. Буни ўзимизгина эмас, жаҳон жамоатчилиги ҳам тўла тан олмоқда, эътироф этмоқда.

Биринчи боб

БЎҲРОНЛАР ҚУРШОВИДА

ЯҚИН ЎТМИШГА САЁҲАТ

Ҳар бир даврнинг ўз оламшумул воқеалари, ўз қаҳрамонлари, ўз донишмандлари, у ёки бу тарздаги намояндалари бўлади. Уни тарихий жараён, ижтимоий-сиёсий муҳит табиий ҳолда вужудга келтиради ва шакллантиради.

Албатта, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни маълум даражада зўравонлик билан сунъийлаштириш, унга қарши туриш мумкин. Бироқ, асл моҳиятни йўқотиб бўлмайди. Вақт ўтиб, табиийлик ўзини намоян этади. Унинг кучи, беқиёс қудрати, ҳаётини қуввати, инсон онги ва тафаккурдан устунлиги ана шунда.

Дарҳақиқат, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг табиий ҳаракати ҳамма вақт инсон ҳаёти, турмуш тарзи ва дунёқарашини ўзи хоҳлаган ўзанига буриб юборади. Кутилмаган ҳодисаларга рўқач қилади. Янгидан-янги тарихий шароитларда яшашга кўниктиради. Қалби ва онига янгича ижтимоий ҳаёт силсилаларини жойлаштиради.

Кишилиқ тарихи асрлар мобайнида бундай узғаришларга кўп гувоҳ бўлган. Турли даврларда турли-туман жаҳонгирлар, фотиҳлар, саркардалар, сиёсий арбоблар, давлатбонилар ва тожу-тахт эгалари дунёга келишган-ки, улар ўз мамлакатлари ҳудудига ўзларига хос янгича сиёсатни вужудга келтириб, янгича тартиб ўрнатганлар ва шу билан бирга жаҳон тараққиётига катта таъсир кўрсатганлар. Давлатчилик, бошқарув ва сиёсат борасида ўз йўллари, бошқаларга ўхшамаган қарашлари, янгича шароитларда янгича муносабатлари билан ўзларига хос мактаб яратилган. Дунё давлатчилиги ва бошқаруви анъаналарини бойитиб, унинг янги-янги қирраларини кашф этганлар.

Сиёсий ҳаёт табиятан инжиқ, зоҳиран тинч, ботинан зиддиятли воқелик. Айни пайтда у шаклан товланиб, турланиб турса-да, мазмунан чуқур изчилликни, қатъиятли-

лик ва собитқадамликни ёқтиради. Жиззакилик, ортиқча нуқтадонлик, енгил-елпи фикрлаш унинг табиатига зид. Айниқса, оғир-вазминлик, ақлга суяниб иш тутиш, ҳар қандай эҳтиросдан холи бўлган яхши маънодаги совуққонлик унга фазилатдир.

Сиёсий ҳаёт салтанат соҳибининг ички дунёси, маънавий ва ахлоқий бойлигидан тортиб, билими ва дунёқарашига, жаҳон сиёсатининг боришини нечоғлик чуқур ва ўта зийраклик билан кузатиб, унинг моҳиятини тўғри тушунишдан тортиб ўз мамлакатини эҳтиёжи ва фуқароларини талабларидан келиб чиқиб, кучли бошқарув аппаратини вужудга келтиришга бўлган кенг миқёсли, ўта мураккаб жараёндир.

Сиёсатда зукколик, донишмандлик, воқеа ва ҳодисаларга ҳар томонлама чуқур ёндошиш, уларнинг моҳиятини ўз вақтида англаш ва баҳолаш иқтидори ана шу салтанат соҳибининг ноёб фазилати, у олиб бораётган сиёсатнинг мазмун-моҳияти ҳисобланади. Қолаверса, мамлакат ва халқ манфаати деган талабчан тарози ҳам борки, у вақт ўтган сари ўта шафқатсизлик ва айни пайтда ўта адолат билан салтанат соҳибининг фаолиятига баҳо беради.

... Йигирманчи асрнинг охири собиқ СССР таркибидаги бошқа халқлар қаторида ўзбеклар ҳаётида ҳам туб бурилиш ясади. Аср бошида Марказий Осиё халқлари турли миллат ва мамлакатларга қанчалик сунъий равишда бўлиб юборилиб, мустамлакага айлангизилган бўлса, аср охирида шунчалик табиий равишда бу мамлакатлар ўз мустақиллигига эришди ва миллий тараққиёт йўлидан бориб, тенг ҳуқуқли суверен давлатлар сифатида ўзаро ҳамкорлик асосидаги умумий иқтисодий хонадонни вужудга келтиришмоқда.

Дунёга ортиқча шов-шувлар, дўқ-пўписалар ва асосиз дағдағалар билан ўз қудратини кўрсатиб келган, СССР деб аталган зўравонлик мамлакатини ич-ичидан зил кетиб, чок-чокидан сўкилиб кетди. Унинг ҳудудига қирган қардош республикалар мустақил давлат мақомини олди. Ана шундай тарихий шароит, ижтимоий-сиёсий пўртана ва мислсиз бўҳронлар янгидан-янги сиёсатчи-

ларни, улкан давлат ва жамоат арбобларини вужудга келтирди. Ута зиддиятли, мураккаб, инқилобий ўзгартирувчилик моҳиятига эга бўлган бўҳронлар турли мустақил мамлакатларда турли янги йўналишдаги сиёсий арбобларни юзага келтирди. Ўзбекистонда эса, Ислом Каримовни кашф этди.

Дарҳақиқат, Ислом Каримов — тарихий ва ижтимоий ҳодиса. У мутлақо янги даврнинг мутлақо янги услубдаги одами. У янги тарихий шароитларда вужудга келган, бутунлай янгича ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида шаклланиган, ана шу жараёнларни ўз сафдошлари ва замондошларидан мутлақо фарқли ҳолда фавқулодда зукколик, зийраклик ва донишмандлик билан идрок эта биладиган, уларни журъат ва жасурлик билан ҳал эта оладиган сиёсатчи. У ҳар қандай ислохотларни бутун моҳияти билан англай биладиган, вужудга келадиган воқеа ва ҳодисаларни бутунлай янги йўналишга моҳирлик билан буришга қодир бўлган иқтидорли давлат раҳбари, йирик ва кенг қамровли сиёсатчи. Каримов сиёсати — янгиланиш ва ўзгартирувчилик сиёсати. У — жаҳон тараққиётига жиддий таъсир кўрсатётган мамлакатлар сиёсати билан ҳамоҳанг келадиган, энг илғор тажрибаларга суянган ва бу тажрибаларни янгича шароитларда миллий руҳ ва анъаналар асосида ўз қарашлари билан ғойитиб бораётган сиёсат. Каримов сиёсати — қаттиққўллик билан меҳрибонлик, қатъиятчилик билан меҳр-мурувват, талабчанлик билан қатъий интизом уйғунлашиб кетган, халқ дунёқараши ва табиатидан келиб чиққан жонли ва ҳаётий сиёсат. Айни пайтда у янгича қарашлар ва янгича тафаккур сиёсати. Акс ҳолда мамлакатимизда ҳозирги жуда мураккаб ва ҳар томонлама зиддиятли бир пайтда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик вужудга келмаган бўлур эди. Аниқ ишлаб чиқариш мароми, аниқ мақсадни кўзлаган, барча ташвиш ва таҳликалардан устун келган, умид ва ишончга таянган турмуш тарзи йўлга қўйилмаган бўлур эди.

Илгари СССР таркибида бўлган ҳозирги мустақил давлатларнинг жуда озчилигида халқ турмуши ва ишлаб чиқариш жараёнининг бир маромда бораётгани, аксинча кўпчилик мамлакатларда эса потинчилик, иқтисодий тангликнинг кучайиб, ишлаб чиқаришнинг издан чиқиб ке-

таётгани ва ҳатто фуқаролар урушининг фожиона юз бергани, ҳеч бўлмаганда давлат бошқаруви, қонуни чиқарувчи органлар ва ижроия идоралари ўртасидаги келишмовчиликларнинг вужудга келганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Ен-атрофимизда юз бераётган турли воқеа-ҳодисалар ҳамда ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарларининг масалаларга турлича ёндошувларини кузатар эканмиз, Каримов сиёсатининг нечоғлик халқчил, ҳар томонлама асосли ва мантикийлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Ҳозирги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва Президент Ислом Каримовнинг сиёсий йўли, ўзига хос иш услубини атрофлича ўрганиш бевосита унинг шахсияти, сиёсий майдонга чиқиши жараёни ва юз бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабатига алоҳида тўхталишни тақозо этади.

Президент Ислом Каримов — иқтидорли инженер ва иқтисодчи олим сифатида кўзга танилган мутахассис. Заводда мастер ёрдамчилигидан етук муҳандис-конструктор, самолётсозлик тажрибасига ўзига хос мулоҳазалари билан амалий ҳисса қўшган, айни пайтда оддий халқ турмуши, ишчи қалбининг кечинмалари билан яқиндан таниш бўлган ва инсоният ҳаётининг муҳим, ниҳоятда мураккаб қисми оламини чуқур ўрганган. Натижада унинг ижтимоий-руҳий дунёсидан сиёсий мазмун чиқара оладиган ва уларни ҳал этишда ўзини масъул ҳис этадиган шахс сифатидаги шаклланиш йўлини босиб ўтди. Узоқ йиллар Давлат режа қўмитасида, Молия вазирлигида раҳбарлик лавозимларида, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Қашқадарё вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби вазифаларида ишлаб, катта танкилотчилик тажрибасига, сиёсат ва амалиётда улкан иқтидорга эга бўлган раҳбар сифатида шаклланди.

Президент Ислом Каримовнинг сиёсий майдонга чиқиши унинг ҳаёт йўли каби ўзига хос. Албатта у ҳам ҳамма қатори ҳукмрон сиёсат доирасида яшади. Мураккаб, ўта тоталитар ижтимоий-сиёсий тузум қобигида ўси, коммунистик мафкура таъсирида бўлди. Бироқ, мавжуд режими-нинг “қатъий интизоми” Ислом Каримов ҳоҳиш-иро-

дасига, руҳияти ва кечинмаларига ҳамма вақт ҳам тўғри келавермас эди. Албатта, у мавжуд ҳукмрон сиёсий режимига қарши инқилоб қилган эмас. Бироқ, хатти-ҳаракати, иш юритиш услуби, мавжуд муаммоларни ҳал этишда ёндошиш усули жиҳатидан айрим белгилари билан ўз сафдошларидан фарқ қилиб турар эди. Бу айниқса, фикрлаш тарзи, дунёқараш ва онгли муносабатда аниқроқ кўринар эдики, кўр кўрона ишлаш, коммунистик ақидапарастлик, сохта ва ясама гоёвийлик авж олган бир муҳитда Ислом Каримов шахсини, унинг бутун ўзига ҳослигини кўрсатарди.

Дарҳақиқат, у узоқ йиллар партиявий тизимнинг турли тоифадаги имтиёзли аппаратларида эмас, аксинча “чекка чекка”ларида саноат ва ҳўжалик идораларида турли катта-кичик лавозимларда ишлади. Жамият тараққиётининг асосий омили — меҳнаткаш халқ ҳаёти, унинг дунёқарашини билан уйғун ҳолда ҳаёт кечирди. Айтиш мумкинки, 70 йиллик Коммунистик мафкурадан ана шундай “бироз бегоналик” унинг сиёсатининг табиатини, софлигини, улкан тажриба билан соғлом фикр, катта куч-ғайрат билан ёрқин ва рангин дунёқараш уйғунлиги каби гоёт ноёб сиёсатнинг бутун сифатини белгилайди. Натижада ана шу сифатнинг ўзи Президент Ислом Каримовнинг сиёсий қарашлари ва бошқарувчилик услубида ўз сафдошлари ва яқин ўтмишдошларидан кескин фарқли ҳолда гоётда кучли халқчиллик ва ҳаётийликка замин бўлди. У катта билим ва ҳаётий тажрибага асосланган, назария ва амалиётни уйғунлаштира олган олим-академик — раҳбар тим-солида **Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат** эканлигини исботлаб берди.

Ҳали партия ҳукмронлик қилаётган бир пайтда кутилмаганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиблигига Ислом Каримов сайланишининг ўзи, айниқса, раҳбариятдаги кўп кишиларни ташвишга солиб қўйди. Халқ эса унинг шахсияти билан қизиқа бошлади. Мухолиф гуруҳлар ва ҳаракатлар раҳбарлари, айрим пайтларда эса яқка шахслар турли жазавалару вазасалар гирдобига тушишди. Очиқдан-очиқ унинг ишига тўғаноқ бўлиш, сиёсатига ишончсизлик билдириш билан шугулландилар.

Вақт — олий ҳакам. Халқ — воқеа-ҳодисаларнинг ичида яшаб, унинг бутун жараёнларини юрак элагидан ўтка-

зиб, сўнг у ёки бу тарзда баҳолайдиган буюк мезон. У аввал эринмай ҳар бир нарсани назаридан ўтказади. Мулоҳаза юритади. Сўнг ҳолис фикрини айтади.

Тўғри, халқ орасида баъзан турли норозилик ҳаракатларига тушуниб-тушунмай эргашидиган, уни қўллаб-қувватлайдиган, ҳар хил иғвогарликларга ишонадиган кишилар ҳам топилади. Ахир, бу халқ-да! **У бутун нуқсония фазилати билан, барча камчиликларини ютуқлари билан яхлитлигича халқ! Бошқача бўлиши мумкин эмас. Сиёсатнинг кучи, сиёсатчининг истеъдоди, сиёсий ҳаётнинг соғлом ва таъсирчанлиги ана шу ўта мураккаб, зиддиятли, қарама-қарши фикрлар ва қарашларни бирлаштирган яхлитлики — халқ оммасини бир йўналишга солиб, бир ўзганга буриб юборишда.**

Раҳбар масъулияти, унинг истеъдоди, раҳбар ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар азалдан Шарқда юксак маънавият, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг уйғунлашган шаклида вуҷудга келган. Файласуфлар таъбирича, патернализм деб аталадиган бундай ҳолатда қадимий анъаналарга кўра раҳбар ва омма ўртасидаги муносабатлар ота ва фарзанднинг ўзаро муносабатлари асосида қурилади. Яъни ҳукмдор ўз халқини суйиши, ардоқлаши, айни пайтда омма эса ўз йўлбошчисини отаси каби ҳурмат қилиб, эъзозлаши каби олий даражадаги маънавий камолот ва инсоний фазилат даражасида қабул қилинган. Бунда — мустаҳкам оилавий муҳит, келгуси авлод учун ғамхўрлик, авлодлар давомийлигини муқаддас тутишдек анъаналар мавжуд. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, Президент Ислом Каримов Бухоро вилояти сессиясида раҳбар масъулияти ва маънавияти ҳақида гапирар экан, “Раҳбар одам — юртининг отаси” — деб берган юксак баҳоси нақалар асосли эканлигини кўрсатади. Таъбир жоиз бўлса, унинг ўзи ҳам ана шу ақидага амал қилиб, миллат раҳнамоси сифатида майдонга чиқди. Ота учун фарзанднинг яхши-ёмони бўлмайди. Фарзанд ота қалбининг, ота жигарининг бир парчаси. Фарзанд яхши бўлса, унинг боши силанади. Ёмон бўлса, “таъзири берилиб”, тўғри йўлга солинади, кези келганда жазоланади. Президентлик лавозими ҳам ана шундай буюк, улуғ ва муқаддас лавозим. Унинг замирида донишмандлик, бағри кенглик, меҳр-мурувват ва қатъий талабчанлик ётади.

Қадимги ҳинд донишмандларининг айтишича, салтанатни ҳимоя қилиш, уни асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг вазифаси. Чунки салтанат соҳиби ва унинг аъёнлари ҳам шу мамлакат фуқароларидир. Мабодо улар фуқароларини унутсалар қаттиқ янглишадилар ("Маҳобҳорат"). Шарқда салтанат соҳиби ва аҳоли, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар асрлар давомида ана шундай юксак маънавий-ахлоқий яхлитлик тарзида шаклланган.

Ҳар қандай шароитда ҳам эҳтиросдан ақл-идрок, жиззакиликдан андиша, оғир-вазминлик устун келади. Мамлакатимиз фуқароларининг асосий қисми ана шу йўлни тутган, ўз аждодларига ҳос вазминлик билан иш юратадиган, ҳар бир воқеа ва ҳодисага ақл кўзи билан қараб, чуқур идрок қилиб, инсоф ва диёнат юзасидан баҳо берадиган — халқ. Унинг буюклиги шунда! Унинг улуғлиги шунда! Ҳозирги сиёсий ва иқтисодий барқарор турмушимизнинг асоси ана шу улуғлик — давлат сиёсати ва халқ қарашларининг муштарақлигида!

Ислом Каримов мамлакат раҳбарлигига ижтимоий-сиёсий вазият ниҳоятда мураккаблашган, турли зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар кучайган. Фарғонада ва бошқа жойларда миллатлараро низолар вужудга келган, мамлакатда ишлаб чиқариш мақоми издан чиққан, сансалорлик, хўжакурсинлик авж олган, аҳоли асосий қисмининг кайфияти бузилиб, руҳий-маънавий муҳит чигаллашган бир пайтда сайланди. Унга яқин ўтмишдошларидан асаби гарангланган, руҳияти синиқ, паришон ва пароканда мамлакат мерос бўлиб қолди.

Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, республиканинг яқин ўтмиши алмисокдан қолган, шалвираган аравача ўхшар эди. Уни тўхтатишқу мумкин эмас, бироқ отга қамчи уриб, жадал юришни бошлашнинг ҳам иложи йўқ эди. Ҳар икки ҳолатда ҳам арава тўкилиб, парчаланиб кетиб, бутун хонумонимиз куйиб кетини ҳеч гап эмас эди. Бундай пайтда раҳбардан ўта ҳушёрлик ва тadbиркорлик, зийраклик ва чечанлик, мулоҳазакорлик ва эпчиллик талаб этилади. Каримов худди ана шундай ноёб, серқирра фазилатлари билан бузуқ аравани таъмирлаб бормоқда, уни қудратли, мукамал, замонавий машинага айлантирмоқда.

Масаланинг яна бир оғир томони бор. Худди ўша пайтда янгилик бош кутарган, эскилик эса ўз ўрнини

бушатишни истамаётган, бутун чоралар билан чирик илдизига маҳкам ёпишиб олган эди. Жумладан, республикага номини берган миллат тилини Давлат тили сифатида эътироф этиш зарур бўлиб қолган бир пайтда олдинги раҳбарият тиш-тирноғи билан қарши турди. Бу аҳолининг кескин норозилигига сабаб бўлди. Натижада то республика раҳбари ўзгармагунча, бу масала жиддийлигича ва ҳатто хатарли аҳволда қолаверди. Ислом Каримов ана шу лавозимга сайлангандан сўнг кўп ўтмаёқ Давлат тили тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва умумхалқ муҳокамасига қўйилди ва у жиддий сиёсий воқеага айланди. Чунки СССРдаги тиш-тирноғи билан ўравонликка асосланган мамлакатнинг КПССлай ҳужумкор ва ҳар қандай миллий рағнаққа қарши ғоялар билан қуролланган раҳбар ташкилот пешволари қилич қайраб туришган, улкан худудда аллақандай саросималик, парокандалик кундан-кунга чуқурлашиб бораётган бир шароит эди. Бундай пайтда ўз миллати манфаатини ўйлаган ҳар қандай республика раҳбари халқ душмани сифатида ғоявий қўпоровчиликда айбланиши ҳеч гап эмасди.

Аслини олганда Ислом Каримовнинг яқин ўтмишдошлари мамлакатдаги (СССРдаги) вазиятни яхши тушунишарди. Яхши билан ёмонни тузуккина фарқлай олишарди. Фақат уларда журъат, қатъият етишмасди. Ватан, Миллат, Миллий ифтихор гуйгулари кемтик эди. Натижада оқни оқ, қорани қора лейишта ўзларида рағбат сезишмади, мунофиқона йўл туттишди. И. Каримов эса аниқ вазиятга қараб, ўз халқи эҳтиёжлари, руҳий ва маънавий талабларига таяниб иш тутди. Бу эса раҳбардан катта журъат, бошқача қилиб айтганда, ўзи учун эмас, мамлакат ва миллат манфаати учун "бошини кундага қўйиш"дек қаҳрамонликни талаб қилар эди.

ТУҶНАШУВ

Жамият ҳаётида шундай ҳодисалар юз бериши мумкинки, улар аста-секинлик билан кундалик турмуш мавжларидан қудратли тўлқинларга, майин шабадалардан бўронлару шиддатли довулларга айланади. Бир юз ўттиз йиллик мустамлакачилик даврида ўзлаштириб юқотиб, ўтми-